

**Юридик шахслар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорларга интернет  
хизматларини кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА № 2**

Коракул шахри

2022 йил «05» январь

Бундан кейин «Оператор» деб номланувчи телекоммуникация оператори (ваколатли шахс)

**O'ZBEKTELEKOM** (операторнинг номланиши)

**O'ZBEKTELEKOM** (лицензия берган ташкилотнинг номи)

томонидан берилган лицензия ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи

**О.О.Исоев**

(раҳбарнинг мансаби, исм-фамилияси)

тимсолида бир томондан,

<b>Юридик шахс,</b>
Бюджетдан маблаг олувчи ташкилот номи: <b>Корақул давлат ўрмон хўжалиги</b>
Манзили: <b>Коракул шахри дустлик кучаси 107 уй</b>
Раҳбар, Ф.И.Ш. <b>Э.Тошев</b>

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

Оператор интернетнинг универсал (асосий) ва қўшимча хизматларини кўрсатиш, Абонет эса мазкур хизматлардан фойдаланиш, ҳамда хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.1. Абонент тоифаси – Бюджет

1.2. Абонент 2022 йилда Бюджет маблағлардан ажратилган интернет хизматлари учун маблағлар доирасида куйидаги график асосида ҳақ тулашни уз зимасига олади Жумладан:

Йил	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами бир йилда
2022 йил Бюджет маблағлар ҳисобидан	400000				400000
<b>Жами:</b>					<b>400000</b>

Жами 2022 йил учун 400000 (тўрт юз минг) сўм

**2. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**2.1. Операторнинг мажбуриятлари:**

2.1.1. Белгиланган сифат даражасида интернет хизматларини ўз вақтида кўрсатиш.

2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернет, аҳоли гавжум жойларда, эълонлар бериш ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларни ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг ўзгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари ҳақида хабар бериш.

2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлигини камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

2.1.4. Абонентнинг айбисиз интернет алоқаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тушган вақтдан бошлаб абонент ускунаси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини қайта ҳисоблаб чиқиш. Қайта ҳисоб-китоблар маълумот рўйхатга олинган кундан эътиборан соат 00.00 дан бошлаб тўлиқ суткалар учун амалга оширилади. Техник сабабларга кўра абонент рақамининг ўзгаришини камида 10 кун олдин абонентга ёзма равишда маълум қилиш. Ўрнатилган тартибда маҳаллий интернет сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни қўшимча тўлов эвазига Абонентга бериш.

2.1.5. Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматлар (телефакс, телекс, ведеотекс ва ҳоказолар)нинг охириги ускуналарини шартномага қўшимча киритган ҳолда (8-бўлимга биноан) рўйхатдан ўтказиш.

2.1.6. Оператор, шунингдек, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида интернет алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари»да белгилаб берилган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга (бундан кейин матнда «Қоидалар»).

Оператор курсатилган хизматлар ҳисоб-варак фактураларини хар ойда бюджет ташкилотига такдим этиб бориш мажбуриятини олади.

2.1.7. Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейин 2 ой давомида интернет алоқаси хизматлари учун тўловни амалга оширмаса ёки 3.1.7.-бандларни бузишга йўл қўйса, ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинади.

2.1.8. Оператор «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир қатор ҳуқуқларга ҳам эга.